

## АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7832057>

Турабоева Феруза Кушмат қизи

*Ижтимоий иш йўналиши 3-босқич талабаси*

**Аннотация:** *Ижтимоий салбий ҳодиса - жиноятчилик жамият ривожини, давлат раўнақига тўсқинлик қилади, фуқароларнинг кўнглига кўрқув солади. Шундай экан, умуман жиноятчилик, хусусан аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ муаммоларнинг тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Аёллар республикамиз аҳолисининг 50,2 фоизини ташкил этиб, улар томонидан содир этилган жиноятлар миқдори ортиб бормокда, ушбу жиноятларнинг сифат кўрсаткичларида ҳам салбий ўзгаришлар кузатишмоқда, аёллар жиноятчилигининг ҳолати, тузилиши, динамикаси, уни вужудга келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни, жиноятчилар шахсини ўрганиш аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасида қулай чора-тадбирлар тизимини яратишга имкон беради.*

**Калит сўзлар:** *Аёл жиноятчилар, тиламчилар, фоҳишабозлик, миллат тақдири, коррупция, жирканч ҳодиса, моддий қийинчилик ва муҳтожлик, давлат, жамоат мулкни, ўзгалар мулкни талон-тороғ қилиш, порахўрлик, савдо қоидаларини бузиш, мансабдорлик жиноятлари, ўзғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш, қасддан одам ўлдириш, тамағирлик жиноятлари, дарбадар.*

Аёл табиатан энг гўзал орзулар ижодкоридир. У ҳамма ҳавас қилгудек оилам, комил фарзандларим бўлса, элимда доимо тинчлик, элдошларимда оқибат барқарор бўлса деб ният қилади. Ҳа, оналар миллат тақдири учун маъсулдилар. Қаердаки аёлнинг кадр қиммати, обрў-эътибори юқори бўлса, ўша жойда миллатнинг қадди тик, куч қудрати чексиз бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: - “Биз «Адолат - қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз”[1].

Ижтимоий салбий ҳодиса - жиноятчилик жамият ривожини, давлат раўнақига тўсқинлик қилади, фуқароларнинг кўнглига кўрқув солади. Шундай экан, умуман жиноятчилик, хусусан аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ муаммоларнинг тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. "Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат

холатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради"[2]. Умумий жиноятчиликнинг алоҳида, ўзига хос, ажралмас қисми бўлган аёллар жиноятчилиги ҳам бундан мустасно эмас.

Аёллар республикамиз аҳолисининг 50,2 фоизини ташкил этиб, улар томонидан содир этилган жиноятлар миқдори ортиб бормокда, ушбу жиноятларнинг сифат кўрсаткичларида ҳам салбий ўзгаришлар кузатилмокда, аёллар жиноятчилигининг холати, тузилиши, динамикаси, уни вужудга келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни, жиноятчилар шахсини ўрганиш аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасида қулай чора-тадбирлар тизимини яратишга имкон беради.

Шунинг билан бирга, жиноятчилик тизимининг бир қисми сифатида аёллар жиноятчилиги жамиятга ғоят кучли салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий ҳаётнинг кенг доираларига ўз таъсирини кўрсатади. Умумий жиноятчиликнинг кўрсаткичларида анча кам қисми ташкил этсада, унинг салбий таъсир кучи ғоят самарали бўлади. Айтиш керакки, бу жиноятчиликни ўрганишнинг янги йўналиши Зигмунд Фрейд[3]нинг энг янги руҳий анализлари ютуқлари таъсирида пайдо бўлиб, криминологик тадқиқотларда қўллана бошланди. З.Фрейднинг янги назарияси бутун жаҳонда тан олинди. Лекин шунга қарамадан, тўғриси айтганда, ўзининг янгилигига қарамадан, бу нотўғри криминологик ғоялар жиноятчиликнинг сабабларини тушунтиришда биологик назарияга яқинроқ, айрим ҳолларда эса унинг ўзини ташкил қилар эди.

Бундай тадқиқотларга В.А.Внуковнинг «Аёл қотиллар» мақоласини киритиш мумкин. В. А. Внуков аёл қотилларнинг жиноят содир этиш сабабларини очиб беришга ҳаракат қилиб, шу мақсадда уларнинг ички дунёсига кириб бориш зарурлигини таъкидлайди ва у айбдорларнинг шахси батафсил таҳлил қилинган мисолларни келтиради. У ўтказилган тадқиқотларининг натижалари асосида айрим принциплар хулосаларга келади. Биологик маълумотларга қанчалик танқидий нуқтаи назардан муносабатда бўлмайлик, барибир, аёл ҳақида гапирганда ўзгармас вақт (аёллигича қолиши) ҳақида гапиришга тўғри келади ва у муайян ижтимоий жараёнлар таъсирида ривожлансада, эркакларга нисбатан фи-зиологикрокдир.

Социология мактабининг намояндалари аёллар жиноятчилигини бошқачароқ тушунтирадилар. Улар аёлларнинг ижтимоий аҳолини эътиборга оладилар. Яъни аёлларнинг сиёсий ҳаётдан ажралганлиги ва ҳаётдаги вазифалари, оила ва турмуш ташвишлари билан ўралашиб қолганликларидан келиб чиқадилар. Фанларнинг кейинги даврдаги тараққиёт босқичи шуни кўрсатмокдаки, жиноятчиликнинг сабаблари тизимида ижтимоий ҳаёт шароитида вужудга келадиган ҳолатлар энг асосий сабаблар бўлиб қолмокда.

Социология мактабининг намояндалари ўша даврдаёқ шаҳар жойларда яшовчи аёллар кўпроқ жиноят содир этишларига аҳамият берган эдилар. Чунки шаҳар

жойларда аёл-ларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаёт муҳити ва фаоллиги бошқачароқдир. Шаҳарларда, айниқса, йирик шаҳарларда фоҳишабозлик(проституция) деган ижтимоий иллат кўп тарқалган. Бундай ижтимоий иллат кўп ҳолларда юзаки равишда аёлларнинг моддий қийинчилиги ва муҳтожлиги билан боғлаб тушунтирилади.

Она томонидан боласини ўлдиришнинг сабаблари тадқиқ қилинган ишлар ҳам диққатта сазовордир. Бу аёллар ҳулкидаги четга чиқишнинг бир туридир. 1928 йили Б.С. Маньковский аёллар томонидан болаларни ўлдиришнинг кўпайганлигини ўша даврда жамиятда юз берган кучли ўзгаришлар туфайли, ижтимоий ҳаётдаги кўп йиллардан буён шаклланган турмуш тарзининг бузилиши, Октябрь инқилоби туфайли янги ҳаёт тарзи ҳали мустаҳкамланмаганлиги, йирик оилаларнинг парчаланиб, майдалашиб кетганлиги билан боғлаган эди.

1900-1970-йилларга келиб аёллар жиноятчилиги яна олимлар диққатини ўзига торта бошлади. Бунда фақатгина жиноятчи аёллар шахсининг ўзига хос хусусиятларининг статистик қонунларинигина эмас, балки бутун бир кўринишдаги жиний хулқнинг пайдо бўлишини, айниқса, ижтимоий мик-ромуҳит, шу жумладан, жазони ижро этиш жойларида ижтимоий муҳитни ҳам ўрганишга аҳамият берила бошланди.

Аёллар ўғрилиқ жиноятини, айниқса, шахсий мулкни ўғрилашни кўпроқ содир қилар экан, айримлари дарбадарлик турмуш тарзида яшар экан, бундай ҳаёт тарзи кўпроқ жиноят содир этишга олиб келади. Кўпгана ўғрилиқ жиноятлари дарбадарлар ва яшаш жойининг тайини йўқ шахслар томонидан содир этилиши аллақачондан буён маълум, чунки улар на яшаш учун доимий моддий манбага, на бошпанага эга эмас.

Тиланчиларнинг асосий кўпчилик қисмини ҳам аёллар ташкил қилади. Ҳозирги кунда ҳам тиланчи аёллар кўпайиб кетган ва бу жиддий ижтимоий аҳвол туфайли рўй бермоқда. Шу билан бирга, шундай шароитда бундай аёлларга ижтимоий ёрдам бериш ўрнига дарбадар ва тиланчиларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган жазоларни қўллаш яхши самара бериши мумкин эмас.

1999 йилнинг Ўзбекистон Республикасида Аёллар йили деб эълон қилиниши маълум даражада Республикамизда ана шу ўтиш даврида мавжуд бўлган айрим қийинчиликларни енгил ўтказишда аёлларга қилинган катта ғамхўрлик бўлди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, аёлларнинг катта ҳаёт сахнига чиқиши, уларнинг раҳбарий мансабларига кўтарилиши, ижтимоий фаол ҳаёт тарзига ўтиши айрим тармоқларда давлат, жамоат мулкни, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, савдо қоидаларини бузиш, мансабдорлик ва бошқа жиноятларнинг ҳам содир этилишига олиб келди. Уюшган гуруҳ томонидан содир этиладиган талон-торож қилиш жиноятларида аёлларнинг ҳам иштирок этаётганлиги тез-тез учраб турмоқда.

Қ.Абдурасулова[4]томонидан эркалар жиноятчилигидан фарқ қилувчи аёллар жиноятчилигининг қуйидаги хусусиятлари аниқланган:

1) аёллар сони мамлакатдаги эркаклардан кўп (Республика аҳолисининг 50.2%) бўлишига қарамасдан, аёллар жиноятчилиги эркакларнинг жиноятчилигига нисбатан бир неча марта кам. илгари ҳам шундай бўлган;

2) аёллар жиноятчилигида рўй бераётган ўзгаришлар билан эркаклар жиноятчилигидаги ўзгаришлар бир хил эмас. Ўзгаришлар умуман ва айрим жиноят турлари бўйича ҳам мос келмайди;

3) аёллар жиноятчилиги ўз тузилишига кўра эркаклар жиноятчилигини такрорламайди ва ундан миқдор жиҳати билангина эмас, балки сифат кўрсаткичларига кўра ҳам фарқ қилади. Умумий жиноятчиликка аёллар жиноятчилиги асосан ўзигагина хос бўлган жиноят турларини содир этиш билан "ҳисса" кўшади.

Аёллар жиноятчилиги турларида ўғрилиқ, товламачилиқ, фирибгарлик, гиёвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юктириш кўпроқ учрайди. Аёллар, ҳатто энг оғир жиноят - қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.

2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.

3. Хамракулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.

4. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).

5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.

6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).

7. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).
8. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 43-46.
9. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdulkarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.
10. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
11. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
12. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.
13. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.
14. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.
15. Xonkeldiyeva K., & Xo'Jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.
16. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 18-19).
17. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In Наука сегодня: история и современность (pp. 17-19).
18. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 15-16).

19. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 17-18).
20. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.
21. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 40-41).
22. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 42-43).
23. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).
24. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 61-62).
25. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).
26. Хонкелдиева, К., & Фарохиiddинова, З. (2020). Оценка влияния рынка труда на уровень безработицы в республике Узбекистан. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 37-38).